

ТУРЛИ ХИЛ ТЕМПЕРАТУРАДА ЗАНГ КАНАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация Ушбу мақолада помидор занг канасининг лаборатория шароитида турли хил температура ва намликда бир авлод учун неча кун кетиши ўрганилган бўлиб, занг кана учун қулай шароит 25-30°C ва намлик 30-40 % бўлганда бир авлоднинг ривожланиши учун 7кун кетиш аниқланган.

Сўнг йилларда помидорга занг канаси сезиларли даражада зарар етказмоқда. Зараркунданнинг биологик ривожланишини ўрганмасдан туриб, илмий асосланган кураш чораларини ишлаб чиқа олмаслигини инобатга яратиш бўлмайди. Шу боис хашаротни лаборатория шароитида ўрганиш. Олиб борилган тажрибаларда маълум бўлдики, бир авлоднинг ривожланиши ҳавонинг намлиги ва ҳароратига (иссиқлик) қараб 7 кундан 22 кунгача давом этади. Ҳавонинг ҳарорати 10-15°C, нисбий намлик эса 65-70 % га тенг бўлганда бир авлоднинг ривож-

ланиши 22,1 кун давом этса, ҳаво ҳарорат 15-20°C ва нисбий намлик 45-50% ни ташкил этганда эса 16,8 кун давом этади. Намлик кўтарилган сари занг канасининг озиқланиши ва ривожланиши сустлашиб бориб, намлик 65-70% га кўтарилганда битта авлоднинг ривожланиш (15-20°C) 20,6 кунга чўзилади. 20-25 °C иссиқликда ва 65-70% намликда битта авлоднинг ривожланишига 13 кун кетар экан. Ҳаво ҳарорати 20-25 °C намлик 35-40% да эса битта авлод ривожланиши учун 9,1 кун керак бўлади. Ҳарорат 25-30°C ва нисбий намлик 65-70% ни ташкил этганда ривож-

ланиши ўртача 10,2 кун давом этади. Ҳаво ҳарорати 25-30°C ва нисбий намлик 65-70% ни ташкил этганда эса 7 кунда битта авлод тугалланиши кузатилди (жадвал).

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистоннинг иқлим шароити занг канасининг ривожланиши ва кўпайиши учун жуда қулай ҳисобланиб, кана йил давомида 8-12 тагача (очиқ далада) бўғин беради, улардан 4-8 таси июнь-август ойларига тўғри келади. Иссиқхоналарда (очиқ даладан иссиқхонага кирганда) қулай шароит мавжуд бўлганлиги сабабли (озуқа манбаи ва иссиқлик етарли бўлганда) бу жойларда занг канасининг йил давомида қишлоғга кетмасдан узлуксиз ривожланиши кузатувларимизда тасдиқланди

Р. Муминова, ТошДАУ

Турли хил температурада занг канасининг ривожланиши (Лаборатория тажрибаси ТОШДАУ. 2017-2018йй).

Ўртача кунлик температура	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Канасининг ривожланиш даври, кун				
		Тухум	личинка	нимфа	Етук зот	1-авлод учун
10-15	50-60	4,0±0,5	5,7±1,0	7,2±1,4	5,2±0,9	22,1±1,3
15-20	40-45	4,5± 0,8	3,8±1,2	4,6±1,5	3,9±1,0	16,8±1,3
15-20	65-70	5,7±1,1	5,1±0,9	5,6±1,2	4,2±1,3	20,6±1,4
20-25	35-40	2,0±0,9	2,0±0,5	3,0±1,0	2,1±0,8	9,1±1,1
20-25	65-70	3,7±1,1	2,7±0,9	4,3±0,9	2,3±0,7	13,0-1,5
25-30	30-40	1,8±0,7	1,6±0,4	2,4±1,0	1,2±0,3	7,0±1,2
25-30	65-70	2,3±0,9	2,5±0,2	3,6±1,0	1,8±0,2	10,2±0,9
30-35	30-40	2,8±0,8	2,3±0,8	3,5±0,4	2,6±0,8	11,2±1,2
30-35	65-70	3,1±0,5	3,8±0,3	4,6±0,6	2,9±0,8	14,4±1,4

Адабиётлар:

1. Маматов К.Ш. Ржавчинный клещ на посевах овощных культур и меры борьбы с ним // Инф. Сообщ. МСХ Узбекистана. -Ташкент: Узинформагпропром, 1992 а. -С.3.
2. Маматов К.Ш. Биологические особенности развития ржавчинного клеща томатов (*Aculops lycopersici* Massee) и меры борьбы с ними в условиях Узбекистана: Автореф. дисс., канд. с/х. наук. -Ташкент: 1993. -с.22.